# Бир-биригизга ҳасад қилманглар, сунъий равишда молнинг нархини оширманглар, ўзаро нафрат - адоватда бўлманлар, бир-бирларингизга тескари ўгирилиб кетманглар. Ҳеч биригиз бошқа бировнинг савдоси устидан савдо қилмасин. Эй Аллоҳнинг қуллари, ўзаро биродар бўлинглар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир-биригизга ҳасад қилманглар, сунъий равишда молнинг нархини оширманглар, ўзаро нафрат - адоватда бўлманлар, бир-бирларингизга тескари ўгирилиб кетманглар. Ҳеч биригиз бошқа бировнинг савдоси устидан савдо қилмасин. Эй Аллоҳнинг қуллари, ўзаро биродар бўлинглар. Мусулмон-мусулмоннинг биродаридир: У биродарига зулм қилмайди, уни алдамайди ва пастга урмайди. Тақво мана бу ерда! – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деб уч марта кўкракларига ишора қилдилар. - Кишининг ёмонлигига унинг мусулмон биродарини пастга уриши кифоядир. Мусулмоннинг қони, моли ва обрў-номуси бошқа бир мусулмон учун ҳаромдир.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон кишига ўз мусулмон биродарини иззат-ҳурмат қилиш, унга яхши муомала қилишни васият қилдилар ҳамда биродарлик ҳақ-ҳуқуқлари ва одоб-ахлоқ қоидаларидан айримларини баён қилдилар. Жумладан: Биринчи васият: бир-бирингларга ҳасад қилманглар! Яъни, биригиз иккинчингиздаги неъмат йўқ бўлиб кетишини орзу қилмасин. Иккинчи: «Нажш қилманглар», яъни, аслида молни сотиб олиш нияти йўқ. Фақат унинг баҳосини ошириб, фақат сотувчига фойда келтириш ёки харидорга зарар етказиш учун шундай қилишдан тийилинглар. Учинчи: «Бир-биригизни ёмон кўрманглар». Бу муҳаббатнинг тескариси, бировга зарар етказишни хоҳлаш демакдир. Фақат Аллоҳ таоло йўлидаги ёмон кўриш бундан мустасно, чунки у вожибдир. Тўртинчи: «Бир-биригиздан юз ўгирманглар», яъни, биригиз ўз биродарингизга орқа ўгириб, уни тарк этиб кетмасин. Бешинчи васият: «Ҳеч биригиз бошқа бировнинг савдоси устидан савдо қилмангиз», яъни, кимдир бирор молни сотиб олаётганда, унга: «Менда ҳам шунга ўхшаши бор, лекин арзонроқ» ёки «менда ундан ҳам яхшироғи бор, шу нархда» деманглар. Сўнгра Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умумий васият қилдилар: «Биродар бўлинглар!», яъни, юқорида ман қилинган ишлардан узоқ туриб, муҳаббат ва меҳр-шафқат кўрсатиш, мулойимлик ва илиқ муомалада бўлиш, яхшиликда ҳамкорлик қилиш, қалбларни пок ва самимий тутиш, ҳар доим насиҳат қилиш билан биродар бўлинглар. Бу биродарликнинг талаблари шулардан иборат: Мусулмон биродарига зулм ва тажовуз

қилмаслиги. Мусулмон биродарига ёрдам бера оладиган, зулмни ундан кўтара оладиган ўринда уни тарк қилиб қўймаслиги керак. Мусулмон киши ўз биродарини ҳақир санамаслиги, уни камситмаслиги ва менсимаслик кўзи билан қарамаслиги лозим. Чунки бундай ҳолат қалбдаги кибрдан келиб чиқади. Сўнг Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч марта таъкидлаб айтдилар: «Тақво — қалбдадир». Кимнинг қалбида тақво бўлса, у яхши хулқ, Аллоҳдан қўрқиш ва Унинг назоратида эканлигини ҳис қилиш билан безанади. Бундай инсон ҳеч қачон мусулмонни ҳақир санамайди. Зеро, биродарини ҳақирлаш — қалбдаги кибр туфайли юзага чиқадиган энг ёмон сифат ва иллатлардан биридир. Сўнг Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам олдин айтилган ҳукмни яна бир бор қаттиқроқ таъкидладилар: «Ҳар бир мусулмоннинг бошқа мусулмонга нисбатан қони ҳам, мол-мулки ҳам, обрў-нуфузи ҳам ҳаромдир». Яъни, унинг қони — уни ўлдириш ёки ундан кичикроқ тажовузлар, масалан, жароҳат етказиш, уриш ва шу кабилар орқали ноқонуний йўл билан қон тўкиш; унинг мол-мулки — ҳақсиз олиб қўйиш; унинг обрў-нуфузи эса — уни шахсият жиҳатидан ёки насаби ҳақида ҳақорат қилиб, камситиш ҳаром ҳисобланади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4706